



## ДИКТАТУРА НАЗАРИЯСИ: ТУҒИЛИШИ, ЯШАШИ ВА ЕР БИЛАН ЯКСОН БЎЛИШИ

Диктатура бир кимсанинг ёки бир ховуч кимсаларнинг бутун бошли мамлакат устидан чексиз даражада ҳукмронлик қилишидир. Бандага ҳукмронлик ярашмайди. Бировнинг устидан ҳокимман деган сўзни айтиш манманликдир. Балки мен шу халқ учун, инсонлар учун жавобгарман, улар учун Оллоҳ олдида масъулман деса, тўғри бўлади. Бу икки ифоданинг ўртасида жуда катта тафовут бор.

### Диктатура қандай туғилади?

Бир одам ёки бир ховуч қароқчи миллионлаб кишиларни алдаб уларнинг бошига диктатор бўлиб чиқиб олишлари учун, албатта, анча машаққат чекилади. Диктатура ўрнатилиши учун қуйидаги шароитлар зарур:

1) одамлар ўз ҳақ ва ҳуқуқларини билмайдиган даражада кўрқок бўлишлари керак;

2) одамлар ўзаро бирлашмасликлари, ҳамшиша бир-бирининг айбу нуқсонини излаб яшашлари керак;

3) одамлар мансаб ва бойликка кучли муҳаббат қўйишлари керак;

4) одамлар бошқаларга қиймат беришда, албатта, унинг молу давлатига эътибор беришлари шарт;

5) одамларнинг кайфиятида куллика мойиллик – ўзидан юқоридаги кучга итоат этиш учун истак бўлиши керак;

6) одамлар эътиқод эмас, балки

моддий қудрат ва бойликка тобе бўлишлари лозим;

7) одамларнинг катта қисми илмни йироқ, худбинлик домида яшашлари даркор.

Агар шу ва шунга яқин сабаблар жамиятда мавжуд бўлса, билинги, бу жамиятда шубҳасиз диктатура ўрнатилган ёки ўрнатилиши аниқ.

### Диктатура қандай яшайди?

Диктатуранинг жони, одатда, тухумнинг ичида бўлади. Тухум эса ғознинг қорнида. Ғоз эса дунёнинг бир четида жойлашган аллақандай кўлнинг ўртасидаги дарахтнинг остига кўмилган сандиқда яшайди.

Нимага шама қилаётганимизни тушундингизми? “Шаҳзода Иван ҳамда бўз бўри” деган бир эртақ бор. Қайсидир ўрис шоири ёзган. Шу эртақда шаҳзода Иван ўлмас Кашшейни ўлдиргани борса, унинг жони ғоз қорнидаги тухумда бўлади. Айтмоқчимизки, диктатура ўлмас Кашшейнинг ўзгинаси. Уни ўлдириш осон эмас.

Диктатура узоқ вақт амалда қолиши, гуллаб яшнаши учун эса қуйидагича шароитлар ҳозирланади ва ўйинлар ўйналади:

• диктатор шахси улуғлаштирилади;

• диктаторга рақиб бўлган ҳамма жисман йўқотилади ёки сотиб олинади;

• диктатура бўлган ҳудудда ҳамма бир хил фикрлашга маҳкум этилади,

янги фикр эгалари қатл қилинади;

• истеъдодли ва билимли шахслар қатағон этилади, уларнинг камол топишларига йўл қўйилмайди;

• ахборот бошқарилади, фақатгина диктатура манфаатига адаптация қилинган хабарлар аҳолига етказилади;

• одамлар урушдан, нотинчликдан кўрқитилади, мамлакатнинг осойишта ҳаёти тинимсиз иддао қилинади, миннат қилинади, “қисиб ўтир, сенга уруш керакми?” деган гаплар муттасил такрорланади;

• кишилар бир-бирларини

кузатиш ва мавжуд сиёсатга қарши одамларни тутиб бериш билан шуғулланадилар;

• ҳамма қорин ва жон ташвиши билан яшайди, ҳеч ким ривожланиш, фаровонлик, юксак интеллект тўғрисида қайғурмайди;

• бутун мамлакатни қайғу, тушкунлик, кўрқинч камраб олади, одамлар кўрққанлари учунгина ўзларини бахтиёр кўрсатишади, бахтиёр кишилар ролини ижро қиладилар;

• диктатор жиноятларни ўз қўли билан эмас, бошқалар қўли билан амалга оширади, ҳар-ҳар замонда айбдорларни топиб, “жазолаб” туради, бу билан халққа ўзини адолатли раҳбар ўлароқ кўрсатади;

• диктатор ўзини ўта консерватив фикрлари билан танилади, жамики донолик унга тақалади, у аралашмаган, у тилга олмаган соҳалар умуман ривожланмайди, у адашиб тилга олган соҳалар эса зўр “ривожлантирилади”, очиги, ривожлантирилаётгандек кўрсатилади;

• диктатура одамларни мустақил яшашларига, ўзлари истаганларидек ҳаёт кечиришларига йўл қўймайди;

• одамлар сал норозилик қилишса, уларга шукур ва сабрдан ваъз ўқилади, мавжуд “тинчлик”нинг қадрига етиш масаласи кун тартибига қўйилади;

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

• диктатурага малайлик қилганлар кўтар-кўтар қилинади ва охирида катта бир жазо билан йўқотилади, яъни унга ҳаддан ошиб кетди деган айблов қўйилади;

• ёшлар онгида диктатордан идеал шахс ясалади;

• одамлар дангаса ва ҳаракатсиз бўлиб қоладилар, ҳақиқатга, адолатга бўлган ишонч сўндирилади.

Диктатура ана шу сабаблар билан узоқ вақт яшаб қолиши мумкин. Диктатура қанчалик узоқ яшаса, у ағдарилгач, у қолдирадиган асорат шунчалик оғрикли ва доимий қолади.

**Диктатура қандай ағдарилиши мумкин?**

Диктатурани ағдарилш жуда ҳам қийин. Уни ер билан яқсон қилиш учун бир қанча йўллари тавсия қилиш мумкин:

1) инқилоб – қуролли кўтарилиш билан диктатурани ағдариб ташлаш. Бу қон тўқишга сабаб бўладиган йўлдир. Одамлар бу йўлни истамайдилар. Чунки ҳамма учун ўз жони азиздир. Ҳамма ўз оиласида тинчгина мудраб ўтиришни маъқул кўради. Тинчгина тўй қилаётгани, ошга бориб келаётгани ҳақида шуқур қилади.

2) узоқ вақт яширин бир шароитда катта хавф-хатарни бўйинга олиб мамлакат ичкарасида ва ташқарисида халққа диктатуранинг асл башарасини кўрсатиб бериш ва бу билан одамларнинг кўзини очиб, золим режимга кучли нафрат уйғотиш. Бу жуда узоқ давом этиши мумкин. Бунинг ягона шарт – катта сабр ва матонатдир. Албатта, диктатура шароитида бутун жамиятни золим режим балоси билан таништириш қийин. Чунки ҳукмрон куч бунга йўл қўймайди. Шунинг учун жамият ҳаётида асосий кучни – халқ қилувчи кучни диктатурага қарши йўналтира билиш лозим. Бунга зиёлилар ва ёшлар қиради. Агар ўқимишли ёшларга диктатуранинг асл моҳияти аңлатилса, уларнинг сони кўп бўлмаса ҳам, бир зарб билан диктатурани тағ-туби билан қўпориб ташлаш мумкин. Бу халқнинг умумий қўзғалишининг олдини олади.

Диктатура қанчалик кучли кўринмасин, аслида жуда заиф бўлади. Диктатура тизимидаги малайларни садоқат ва иймон эмас, балки мажбурият ва кўрқув

ушлаб туради. Улар кўп ҳолларда ўз нафслари ороми, кайфи учун зулмкор диктаторга қуллик қилишади. Агар уюшган гуруҳ – уларнинг сони мингта эмас, юзта ҳам эмас, атиги ўн киши бўлиши ҳам мумкин – катта қатъият билан керакли вақтда керакли ўринда қўзғалса, қисқа муддатда диктатурани чил-парчин қила олади. Масалан, Каримов кабинетидан унинг энг йирик қонхўр амалдорлари ҳаммаси йиғилганида ёки уларнинг ҳар бири ўз кабинетларида ўтиришганида – уч-тўрт генерал, МХХ раиси, бош прокурор, бош вазирга ўхшаган нусхалар – бир вақтда улар қўлга олинса, қўлларига кишан урилса ва мамлакатда Давлат тўнтариши ўтказилгани ТВ ҳамда радиода бир вақтда эълон қилинса, қўлига кишан урилган Каримов ва унинг тўдаси экранда кўрсатилса, кифоя қилади – бутун мамлакат ларзага келади. Аввал қисқа вақт фалаж бўлиб қолган халқ бирдан жунбушга тушади, бошига тушган золимликларни эслайди, ҳамма ўз ҳақини талаб қилиб чиқа бошлайди. Ҳамма ёппасига Каримов ва унинг малайларининг жиноятларини очиб ташлашга киришади. Бу тўлқинни энди ҳеч ким тўхтата олмайди. Бу тўлқин Каримовнинг бешафқат ва қонхўр ҳукмронлиги йигирма олти йил ўтиб ўз поёнига етганлигини кўрсатади. Каримов суд қилинади, агар қора курсига етиб бормасдан аввал юраги ёрилиб ўлиб қолмаса ёки унинг жинойий шериклари заҳарлаб ўлдириб юборишмаса, албатта.

Уша вақтда бугун “қудрати” кўз-кўз қилинаётган армия ҳам, Каримов зомбилаштирган ёшлар ҳам уни ҳимоя қилмайди, балки унинг зулми остида ҳақни ноҳақ дейишга мажбур бўлган жафокаш халқ уйғонади. Золим устидан эришилган улкан ғалаба халқнинг онгини очади ва миллат тарихида янги кўтарилиш босқичи бошланади.

Хорижда сарсон юрган илм эгалари, истеъдодли шахслар ўлкага қайтади, халқ уюшиб, ўз дардини, ўз жароҳатини ўзи даволашга киришади, халқ ичидаги зиёлилар, олимлар энди енгилмас кучга айланадилар, улар таълим ва тарбияга кучларини йўналтирадилар, ташқи сиёсий алоқалар ривожланади, энди МХХга чақимчилик қилиш билан нон топиб еб бўлмайди, ҳеч ким МХХга қилинган тўхмат билан қамалмайди, одамлар хизмати учун мукофот олади, кимдир ўта юксак

шуҳрат қозонса, машҳур бўлса, давлат уни попугини пасайтиришга интилмайди, қисқаси, адолат ва ҳақиқат тантана қилади. Яъни кишилар ҳаётда ҳақиқат ва адолат борлигига, у қарор топишига ва шу асосда яшаш мумкинлигига иймон келтирадилар.

Бугун Каримов диктатураси бир амаллаб кун кўряпти. Кўриб ўтганингиздек, уни йўқ қилиш учун оламшумул иш қилиш шарт эмас. Халқни кўчага олиб чиқиб қон тўқишга ҳам ҳожат йўқ. Шунчаки, озодлик ва ҳурлик йўлида жонини тиккан, ақли, фаросатли, илмли, жасоратли уч-тўрт киши керак, холос.

Сизни ишонтириб айтишимиз мумкинки, шундай инсонлар бор. Улар Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сафидалар. Бу муборак сафга суқилиб киришни истаган агентлар – жосуслар ҳам етарли. Улар турли ниқобларда бу муборак сафга шикаст бериш ҳаракатидалар. Аммо қўлларидан ҳеч нарса келмайди.

Бугун бўлмаса, эртага, эрта бўлмаса, индинга биз айтган жасорат эгалари бир зарб билан, бир тўлқин билан Каримов диктатурасини ер билан яқсон этадилар. У кун келгунига қадар Каримовга уйқу ҳаром, унинг югурдаклари, МХХ эса шу кун бугун бўлмасин деб жон ҳовучлаб яшашга маҳкумдирлар.

Ишонинингиз мумкинки, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сафида туриб золим режимга қарши қурашаётганлар бугунги шароитда ҳам, эртанги шароитда ҳам бахтли ва хотиржамдирлар. Чунки уларнинг бировдан яширадиган жиноятлари йўқ. Халқнинг ҳақини еб, бировнинг бурнини беҳуда қонатгани йўқ, иншаОллоҳ. Улар бу йўлга бошига келажакларни тан олиб қадам қўйдилар, шунинг учун хотиржамдирлар.

Золим режим – Каримов диктатурасида эса аксинча. Каримов бошчилигида унинг барча малайлари кеча-кундуз бизни ўлдириб кетишмасин, бизни ҳокимиятдан маҳрум қилишмасин, яна қандай қилиб одамларни алдасак бўлар экан деган турфа ҳаёллар билан вақт ўтказадилар, ҳеч қачон ўзларини ҳаловатда, руҳий хотиржамликда ҳис этмайдилар.

Сиз бу икки таққос орқали ҳақиқатни ўзингиз учун билиб олинг. Зотан, ҳақиқат тарафида бўлиш ҳар кимнинг бурчидир. Тириклик бурчи.

**Абдуллоҳ Нусрат**

## Ҳукуматпарастларнинг бизга қарши иддаолари бисёр суст ва фуруд экани исботи

Бутун виртуал олам иштирокчилари, хусусан, Фейсбук фойдаланувчилари яққол сезганларидек, Ўзбекистон Халқ ҳаракати улкан тўлқин кўтарди. Бу шундай тўлқинки, иншаОллох, Каримов режимини таг-туби билан кўпориб ташлайди. Бу шундай тўлқинки, инсонлар онгида қотиб қолган фикрларни алғов-далғов қилади. Бу шундай тўлқинки, зулм деворларини бузиб, эрк ва хуррият шамолларини олиб келади.

Бу ҳолдан, аввало, Каримов ҳукумати типирчилаб қолди. МХХ эса фалаж бўлди, ақли шошди. Зотан, улар кутаётган, аммо кўрққан ҳодиса бошланди. Шунинг учун турли ёлланма “троллар” Халқ ҳаракати раҳнамоси ва аъзоларини сўкиниш сўзлари билан ҳақорат қилиш позициясини эгаллашди. Улар гоҳ шахсий мактуб, гоҳ “комментарий” шаклида ўзларининг ҳақорат ва пасткашликка тўла “битик”ларини йўлламоқдалар.

Бизнинг диққатимизни тортгани шуки, биринчидан, улар биз Каримов режимига қўяётган айбларни бирортасини инкор эта олмаяптилар. Иккинчидан, Каримов диктатураси эришган бирор ютуқ ёки ғалабани кўрсата олмаяптилар. Чунки улар ўзлари истаси-истамасалар, бундай фактларни топишолмайди. Чунки 26 йиллик режим даврида фақат таназзул бошдан кечирилди ва ҳақиқат тарафида турганларни халқни алдаганларидек ёлғон фактлар билан ишонтиролмайдилар. Чунки Халқ ҳаракати Каримов режимининг жиноятларини жуда яхши билади. Шунинг учун МХХ Халқ ҳаракатини алдаб бўлмаслигини билади. Мазкур ҳолатда курашишнинг “юмдалаш” методи қолади, холос. Яъни муштлашиш, тегишни уддалай олмайдиған аёллар рақибини юмдалагани ва тимдалагани каби ўзбек МХХнинг вакиллари сўкиш ва қарғиш қуролларидан фойдаланмоқдалар. Ҳукуматпарастларнинг бизга қарши иддаолари бисёр сустдир – ожиздир ва фуруддир – ҳаддан ошгандир. Чунки уларнинг барча гапи асоссиз.

Энди Каримов режими учун ҳар қанча кураш, ҳар қанча қаршилиқ бефойда, Халқ ҳаракатга келажак, у кўтарган тўлқинни, иншаОллох, бартараф этадиган куч бўлмаяжак. Чунки бу тўлқин, умид ва ишонч билан айтамызки, Оллоҳнинг амри ила кўтарилди. Унинг охири хайрли бўлажак, иншаОллох.

**Абдуллоҳ Нусрат**

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўтган ҳафта якунида АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси ўринбосари Даниел Розенблум Тошкентда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашган. АҚШ расмийсининг Тошкентга сафари



## АҚШ расмийсининг Тошкентга ташрифи сабаблари очиқланмади

президент Ислом Каримовнинг бир неча кундан сўнг Москвага қиладиган ташрифи арафасида бўлиб ўтди.

9 апрель куни Тошкентга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси ўринбосари Даниел Розенблум Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашуви чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги кундаги аҳволи ва келажagini муҳокама қилган. Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Памела Леора Спратлен ҳам иштирок этган.

АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси матбуот хизмати Розенблумнинг ўзбек расмийси билан учрашгани юзасидан бошқа тафсилотлар мавжуд эмаслигини билдирди.

“Биз Розенблумнинг Тошкентга сафари ҳақида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги берган маълумотдан бошқа нарсани айта олмаймиз. Бу сафар тафсилотлари ҳақида қўшимча маълумотлар йўқ. Агар қўшимча тафсилотлар пайдо бўлиб қолса, бу ҳақда матбуотга билдирамиз”, - деган АҚШ элчихонаси матбуот хизмати ходими.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган маълумотда, Даниел Розенблум Абдулазиз Комилов билан учрашув чоғида 2016 йил январда Вашингтонда ўтказилган ўзбек-америка сиёсий маслаҳатлашувлари натижаларини ҳам муҳокама қилгани айтилган.

Жорий йилнинг 19 январь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов етакчилигидаги ўзбек делегацияси Вашингтонга сафар қилган эди. 21 январгача давом этган сафар чоғида Ўзбекистон-АҚШ

сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги 6- раунди ўтказилган.

Ўзбек расмийларининг Вашингтонга сафари олтидан Хюман Райт Уотч халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилоти Қўшма Штатлар Ўзбекистондаги сиёсий маҳбусларни озод этиш учун Тошкент ҳукуматига очиқ босим ўтказиши кераклиги юзасидан баёнот тарқатган эди.

Ўзбекистон-АҚШ сиёсий маслаҳатлашувлари чоғида Давлат департаменти расмийлари Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазияти ва пахтазорларда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш муаммосини ҳам кўтарган ҳамда Тошкент ҳукумати бу муаммоларни бартараф этиш йўлида ҳаракат қилишига умид билдирган.

Ўзбекистонлик ҳуқуқ фаолларининг айтишларича, Розенблум Тошкентда Ўзбекистон — АҚШ сиёсий маслаҳатлашувлари натижаларини муҳокама қилганига қарамай, маҳаллий ҳуқуқ фаоллари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашувлар ўтказмаган.

Айни пайтда айрим кузатувчилар Даниел Розенблумнинг Тошкентга сафари президент Ислом Каримовнинг бир неча кундан сўнг Москвага қиладиган ташрифи арафасида бўлиб ўтганига диққат қаратмоқда.

Аввалроқ Россия нашрлари Кремлдаги манбага таянган ҳолда Ўзбекистон президенти Ислом Каримов 25-26 апрель кунлари Москвада президент Владимир Путин билан учрашиб, ўзбек армиясини модернизациялаш, жумладан, замонавий қуроллар билан таъминлаш масаласини муҳокама қилиши ҳақида хабар берган эди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## Истамбулда ўтказилган амалиёт натijasида Россиялик қотиллар қўлга олинган

Истамбулда Чечен Воҳид Аделгириевни ўлдирган гуруҳнинг 2 рус агенти Туркия Миллий разветкаси ва хавфсизлик ташкилотлари биргаликда амалга оширган амалиёт давомида қўлга олинди.

“Хабартурк” газетасининг муҳбири Булент Ойтемирнинг хабар беришича, 2015 йилнинг 1 ноябр ойида Чечен қўмондони Воҳид Аделгириевни ўлдирган гуруҳнинг 2 рус қотили, шу йилнинг 8 апрел куни Истамбулда қўлга олинган. Ушбу амалиёт Туркия Миллий разведка ташкилотининг минтақавий бошқармаси ва Истамбул хавфсизлик ташкилотлари томонидан амалга оширилган.

### Яна бир қотилликга тайёргарлик қўриш давомида қўлга олиндилар

Рус агентлари Лурий Анисимов (52 ёш) ва Александр Смирнов (55 ёш), янги бир иш учун разведка уюштириш давомида қўлга олинган. Саволларга жавоб бериш ва гапиришни рад қилган икки рус маҳкама томонидан ҳибсга олинган.

### Сохта интерпол хужжатлари бўлган

Қўлга олинган русларнинг олдидан чиқган сохталиги аниқланган интерпол хужжати, Россия ҳукумати амалдорига тегишли кўп сонли суратлар, USB хотираси, телефон рақами ва PIN/PUK маълумотлари телефон аппаратларига ёпиштирилган ҳолда топилган 5 дона уяли алоқа телефонлари, ҳамда кетма-кет серия рақамларига эга АҚШ доллари олиб қўйилди.

### Соатма-соат олинган суратлар

USB хотираларидан олинган илк натижаларга кўра: ҳибсга олинган Россиялик қотилларнинг Оврўпа

мамлакатларида разведка мақсадида суратлар олинганлиги аниқланди. Қотилларнинг: автомобил тўхташ жойларини, транспортларнинг давлат рақамлари, хавфсизлик камералари, меҳмонхона хоналари, хоналардаги пана қисмларни суратга олганликлари аниқланди. Русларнинг, Оврўпа мамлакатларининг бирида бир кун давомида бир нуқтадаги хавфсизлик камераларининг ҳаракатини кузатишганликлари ва камера жойлашувларини соатма-соат суратга олганликлари аниқланди. Ҳозирда USB хотираларини батафсил ўрганиш ва ўчириб ташланган маълумотларни қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

### Амалиёт

–Амалиёт МРТ ва хавфсизлик ташкилотининг тахминан 6 ойлик биргаликда олиб борилган изланишлари натижасида амалга оширилган. Воҳид Аделгириевнинг ўлдирилишида оқ рангли “Шкода октавия” русумли автомобилдан фойдаланилганлиги, автоуловнинг қотилликдан 20 кун аввал, 2015 йилнинг 11 октябр куни Истамбулга келган Россия фуқароси Александр Носиров (43 ёш) томонидан кирага олингани аниқланган.

–Носиров Туркияда бўлган 11-16 октябр кунлари давомида 1-2 кун ичида 2 транспортни кирага олган. 11 Октябр куни кирага олинган “Шкода октавия”, 13 октябр куни кирага олинган кулранг “Тойота королла” автомобиллари Истамбулдан ташқарига чиқарилиб Яловадан Майдон автомобил тўхташ жойига ташлаб кетилган.

–Носиров Истамбулда Пенинсула меҳмонхонасида бир ўзи турган ва 16 октябр куни Отатурк аэропортидан учиб кетиб, Туркияни тарк этган. Туркиядаги ҳар бир ҳаракатланган

ерлари аниқланган Носировнинг мамлакатда бўлган кунлар, аввал ва кейин МРТнинг назорат тизимидаги барча шубҳали ҳолатлар – меҳмонхоналарга резервациясиз келганлар, нақд тўловлар амалга оширилганлар, шубҳали GSM алоқалари – бирма-бир ўрганилди.

–Ўрганишлар натижасид икки рус қотилнинг, 11-13 октябр кунлари: Yalova/Lova Hotel SPA га келиб бошқа-бошқа хонада қолишгани, 14 октябр куни тушлик вақтида меҳмонхонадан пиёда чиқиб кетганликлари аниқланди. Лурий Анисимов ва Александр Смирнов Яловадан Истамбулга келгач, 14-16 октябр кунлари давомида Султонаҳмедта жойлашган The Byzantium Hotel ва Senatus Otel меҳмонхоналарида алоҳида-алоҳида қолишган.

–Транспорт билан таъминлаган Носиров, қотиллар Смирнов ва Анисимов билан Senatus Otel атрофида учрашишган. Кейинчалик ушбу шахслар 2015 йилнинг 16 октябр куни Истамбулни тарк этишган.

–Кириш қайдлари ва инсон юзидан аниқлаш тизимида амалга оширилган текширишларга кўра Александр Смирновнинг Александр Федин, Лурий Анисимовнинг эса Юрий Ндреев исмига ўзгартирилган сохта паспортлар билан Туркияга кирганликлари аниқланди.

–Қотиллар қўлланган исмлар, ҳаракат тарзлари ва таърифларини аниқлаш борасида ҳеч қандай баёнот берилмади. Туркияга қайта келишлари эҳтимоли билан бу иш тўхтатиб турилди.

–Икки шубҳали шахс 2016 йилнинг 4 апрел куни Истамбулга келди: аввалги шаклда автотранспорт кирага олиниб Яловага чиқиб кетилди. Истамбулга қайтганларида кузатув жараёнини амалга ошириш пайтида ҳибсга олиндилар.

### Код номи: Ханжар

Воҳид Адилгириев жиноятини амалга оширишда “Шкода”, аввалги кузатув жараёнларида эса “Тойота” русумли автомобиллар қўлланилган. Адилгириев курул билан отилгандан сўнгра, кўзидан ханжар билан пичоқланиб ўлдирилди. Шу сабабдан Турк хавфсизлик бирлашмаларининг бу амалиётига “Ханжар” номи берилди. Россия разведка хизматлари ФСБ ва СВРнинг эмблемаларида пичок/қилич шакллари қўлланилган.

**УХХ хабарлар бўлими**

Бугун 11.04.16й. куни соат 09:00да уйимдан чикиб ўғлимга нисбатан очилган уйдирма “жиноий иш” бўйича Яшнабод туман ЖИБ судида бўлиб уйга соат 15:10да қайтиб келдим. Аслида бу ЙЎҚ жиноий ишни БОР қилиб, сохта терговларни уйиштириб, маъмурий иш очтириб, ёмоннинг қети тегирмон юрғазиб, ЙЎҚ судловларни БОР қилиб турган МХХ ва Бош прокуратура бўлади. Золимлар зўраволикларини бошдашларидан аввал МФЙга келиб ўзларининг МХХ ва прокуратурадан эканлигини айтиб “Негмановага айтинглари бошқа Т.Иминов тўғрисида ёзмасин мабодо ёздадиган бўлса ўзига ёмон бўлади”, деб огоҳлантириб кетишган эди. Улар ўз



## Мулозимлар жиноятини фош қилиш тақиқланганми?

сўзларида собит туриб, конунларни бир чеккага суриб қўйиб аввалига бутун ИИБ тизилмалари қўли билан, эндиликда шаҳар суди ва туманлар судлари билан босим ўтказиб, қийин — қистовларга олиб тергов ва судлов жараёнлари билан таъқиб ва тазйиққа олишган. Менинг бундай ноинсоний ва ноқонуний ишлардан норози бўлиб уларнинг қилаётган ишлари жиноят эканлигини Қонун моддаларида кўрсатиб уларга нисбатан қонуний чора қўллашларини сўраб Президентга, МХХ раисига, Бош прокуратурага ёзган шикоят аризаларим сассиз-самарсиз кетди.

Тўрт йил давомида халқнинг катта миқдордаги ҳад — ҳисобсиз пулларини талон — тарож қилган Президент маслаҳатчиси бўлган Т.Иминовнинг жиноятини далиллар билан, гувоҳлик бериб исботлаб берган бўлсам ҳам ўғрининг ҳимояси йўлида менга ва ёлғиз фарзандимга ўғлимга зўравонликлар қўллашда давом этишмоқда. Бу мамлакатда ўғри Т.Иминовнинг кадри қанчалар баланд бўлмасин, унинг ҳимояси йўлида ўғлимни қурбонликка бериб қўймайман!

Яшнабод ЖИБ судига қайтадиган бўлсак, судья котиби Ўқтам олдимизга чикиб Ш.Рустамов, мен ва ўғлим эканлигимизни кўриб фақат ўғлимни олиб кетишини

айтди. Ш.Рустамов унинг бундай қилолмаслигини, суд жараёни очиқ бўлиб ҳаммамизнинг иштирок этишга ҳаққимиз борлигини айтди ва биз норозилик билдирдик. Мен котибга “ўғлимни аввалги ва бугунги чакирганингизда Насимни нега бирор марта чакирмадингиз?”- дедим. У аввалига бироз жавоб тополмай қалавланиб турди-да, кейин “аввал сизлар билан танишиб олай дегандим” деди. Қизик, у биз билан “танишиб олиш” баҳонасида яна қанча ноқонуний чакирувлар уйиштираркан? Чунки бу сохта жиноий ишда Насим МХХ ва Бош прокуратура тамонидан ипи тортиб ўйнатиладиган “қўғирчоқ” эканлиги бизга маълум эди.

Котибнинг ҳатти-ҳаракатидан норози бўлиб шу ерда Яшнобод суд раисига ва туман прокурорига шикоят ариза ёздик. Минг ҳил баҳоналар билан аризани канцелярияга олишмади, почтадан жўнатдим.

Туман прокуратураси улардан-да ўтиб тушди. Ҳашамдор қилиб замонавий архитектура асосида қурилиб дид билан безатилган прокуратуранинг кираверишдаги катта деразаларнинг ойнасидан ички қисми кўриниб турарди. Ш.Рустамов ва мени кираверишда тўхтаиб ичкарига қўйишмади. Биз анча вақт оввара бўлиб ялиниб — ёлвориб зўрға аризамизни

топширдик. Аризага прокурор тамонидан сана кўрсатилиб имзо қўйилган буни тасдиқловчи муҳир ёки штамп йўқ. Аризани илова қилаяпман.

Мен энди ёлғиз ўғлимни жиноятчига чиқариб келажагига ва ҳаётига қизиқ тортмоқчи бўлаётган МХХ ва Бош прокуратуранинг дастидан кимга бориб арз қилай???

Президентга айтишмаса, МХХ раиси эшитмаса, Бош прокуратура Т.Иминовнинг ҳамтавоғи бўлса, ИИБ тизимлари МХХ ва Бош прокуратура кўрсатмаси билан ўғлимга ва менга зўравонликлар қилса, биз энди кимга бориб арз қилайлик???

Инсонийлик ва инсоф ўлган, зўравонлик авж олиб, Қонун бир чеккага улоқтирилган бундай

тузимга ўз НОРОЗИЛИГИМни билдираман!

Конституцион ҳуқуқларимиз МХХ ва Бош прокуратура тамонидан оёқости қилинмаслигини ТАЛАБ ҚИЛАМАН!!!

Президентга айтмасликларини билсамда Ислом Абдуғаниевичдан “Сиз халққа ваъда қилган демократик тузум шундаймиди?” ёки сиз эълон қилган “Соғлом она ва бола йили”да она болалар биздай таъқиб ва тазйиқлар остида яшашлари керакми? Нима учун мулозимларингиз Президентлик ваколатингизга кирувчи вазифаларни бажаришингизга тўскинлик қилишади? Яъни номингизга ёзилган шикоят аризаларга Сиз учун жавоб беришади. Ахир бу жиноят-қу. Мен бир она сифатида мулозимларингиз дастидан ДОД деб Сизга мурожаат қилиб ёрдам қўлини чўзишингизни ўтиниб сўрайман.

Шу билан бирга ишончингиздан фойдаланиб йиллар давомида давлат пулларини ўзлаштирган Тохир Иминов унинг ҳамтавоғи А.Фаттоховларга қонуний жазо қўллашда ўзингиз бош бўлмасангиз бу ишни ҳеч ким қилмас экан.

Шу ва шу каби саволларни Президентга ёнидаги яқинларидан кимдир етказишига жуда ишонгим келади...

Чамангул Негманова

Шу кунларда Қирғизистон инқилобнинг 6 йиллигини нишонламоқда.

2010 йилнинг 7 апрелида тахтдан ағдарилган собиқ президент Қурмонбек Бакиев, ҳозирги кунда оиласи билан Беларусияда яшаётгани маълум.

Марказий майдонда йиғилган оломонга қарата ҳукумат ҳафсизлик кучлари тарафидан отилган ўқлар натижасида, 90 га яқин инсон ҳалок бўлган ва 300дан ортиғи ярадор бўлган. Улардан сўнги 6 йил ичида 39 нафари вафот этган.

Хўш, шунча инсоннинг қони эвазига амалга оширилган ҳокимият алмашунивидан кўзланган мақсадларга эришилдими ёки яна эски тоз, эски ҳаммомми?

Собиқ президент Қурмонбек Бакиев бошқарувининг сўнги даврларида, Қирғизистоннинг ўзида ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг нархи қимматлатилган эди. Инқиболдан кейин бу нарса бекор қилинди.

Уяли алоқа сўзлашувлари учун, барча мижозлардан 70 тийин ҳақ олина бошланган эди. Инқилоб сабаб, бу тўлов ҳам олиб ташланди.

Мухолифат аъзолари, сиёсатчилар, мустақил журналистлар, диний кўз қарашдаги инсонларга нисбатан босимлар кучайиб, уларни қамаш ва ўлдиришлар авж олган ва қатор халқаро ташкилот вакилларининг Қирғизистонга келишлари ман этилган эди.

Жумладан: 2005 йилда Ўш шаҳрида депутат Баяман Эркинбаев, бир йил ўтиб Бишкекда Рисбек Акматбаев номаълум шахслар тарафидан отиб кетилган.

2007 йилнинг 24 октябрида Ўш шаҳрида журналист Алишер Соипов Ўзбекистоннинг сиёсий буюртма қурбони бўлган. Бу воқеадан икк йил ўтиб эса, Бишкеклик журналист Геннадий Павлюк Олмота шаҳрида кўп қаватли уйдан улоқтириб юборилиши натижасида ҳалок бўлган. "Лица" газетасининг мухаррири Бермет Букашева, мустақил журналист Чолпон Орозобековалар ўзларига бўлаётган таҳдидлар сабаб, "Репортер Бишкек" газетасининг сиёсий таҳлилчиси Сирғак Абдилдаев номаълум шахслар тарафидан пичоқланиши ортидан Овropa давлатларидан сиёсий бошпана излашга мажбур бўлганлар.

2009 йилнинг охирида ўша пайтдаги президент администрациясининг бошчиси Медет Садирқулов ўз мошинасида ёқиб юборилган.

Оммавий ахборот воситалари кучли назорат остида бўлиб, инсон ҳақлари фаоллари доимий таъзияклар остида ўз фаолиятини

юртишга мажбур бўлганлар.

2010 йилнинг 7 апрелидаги ҳокимият алмашинувидан кейин, бу нарсалар маълум вақт тўхтаган. Бироқ сўнги йилларда бу нарсалар яна қайталанган бошлагандек.



## Қирғиз инқилоби: 6 йилда нималар ўзгарди?

Қирғизистон тарихида, ҳар галги инқиболдан сўнг ҳокимият тепасига келган расмийлар баланд парвоз нарсаларни айтиб, "мана энди биз қойиллатамиз" қабилида халққа қуруқ ваъдаларни берадилар, бироқ кўп вақт ўтмай, унутадилар.

2014 йилнинг ўрталарида Қирғизистон парламенти тарафидан журналистларни жиловлаш мақсадида қабул қилинган "Инсонни обрўсизлантириш ва ҳақоратлаш" қонуни президент Алмазбек Атамбаев раҳбарлигидаги расмийларга бахона бўлди.

Уша йилнинг август ойида Қирғизистон Миллий Ҳафсизлик Давлат Қўмитаси Ушлик журналист Шоҳруҳ Соиповни жиноят кодексининг айнан шу "Инсонни обрўсизлантириш ва ҳақоратлаш" банди билан судга берган.

Унда Соиповнинг май ойи охирида "Фарғона.ру" сайтыда, Уша Сурия бахонаси билан намозхон йигитларни ҳуқуқ тартибот ходимлари ноқонуний қўлга олиб, пул олаётгани, уларнинг порахўрлиги бўйича ёзган мақоласи сабаб қилиб курсатилган. Шоҳруҳдан ҳафсизлик хизматидан расман кечирим сўрашлик ва 1 млн қирғиз сўми (ўша пайтдаги курс билан қарийб 20 000 доллар) товон пули тўлашлик талаб қилинган.

Қисқа вақт ичида мазкур ҳолатни ёритган маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари калаванинг учини топишга ёрдам берганлар. Яъни Қирғизистон ҳафсизлик хизматининг Ўш бўлими раҳбари Асилбек Кожобеков журналист Шоҳруҳ Соиповни ўз раҳбариятининг руҳсатисиз судга берган ва уни маҳаллий миқёсда овозини ўчиришни режалаштиргани аниқланган.

Маҳаллий ва халқаро журналистларнинг сўровномалари асосида ҳафсизлик хизматининг Бишкекдаги раҳбарияти ўзларининг Ўш бўлими раҳбари ишларидан хабар топган ва судга бир кун

қолганида журналист Шоҳруҳ Соипов устидан судга берилган даъво аризаси қайтариб олинган.

Уша йилнинг сентябрь ойида маалимат.кг сайтининг раҳбари Дайирбек Орунбековни, 2010 йилнинг 7 апрелидаги инқилобдан сўнг иқтидорга келган (вақтинчалик) ҳукумат аъзолари, улар қаторида президент Алмазбек Атамбаевни ҳам бўлиб ўтган воқеаларда қисман айбдор экани ҳақида ёзган мақоласи юзасидан бош прокуратура судга берган.

Унда ҳам, журналист Дайирбек Орунбеков президентни ҳақоратлаб, обрўсизлантирган дея иддао қилинган. Натижада расмий кечирим сўрашга ва 2 млн қирғиз сўми (қарийб 30 000 доллар) товон пули тўлашлик мажбурлантирилган.

Жорий йил бошида эса, Бишкекда чоп этилувчи муҳолиф кўз қарашдаги "Искра" газетасининг бош мухаррири Адилет Айтикеевнинг шахсий оилавий видеоси яширин камерага суратга олиниб, интернетга ёйинланган.

2015 йилнинг 4 декабрида "Human Rights Watch" инсон ҳақлари халқаро ташиклотининг Марказий Осиё бўйича таҳлилчиси Мира Ритман Бишкек аэропортидан Қирғизистонга киритилмаган.

Шунингдек, қатормаҳаллий инсон ҳақлари фаоллари ҳам ўзларига нисбатан босимлар кучаяётганидан хавотир билдирмоқдалар.

Россияда қабул қилинган "Ҳорижий Агент" лойиҳаси, Қирғизистон парламентида ҳали қабул қилинмаган бўлсада, бироқ аллақачон давлат идоралари, жумладан ҳафсизлик идоралари нодавлат ташиклот фаолиятларини назорат қила бошлаганлар.

Марказий Осиёда "демократия оролчаси" дея аталувчи Қирғизистон йилдан-йилга тоталитар тузум сари йўл олаётгани, бу эса яхшиликка олиб бормаслигидан маҳаллий ва халқаро таҳлилчилар бонг урмоқда.

**УХХ ахборот бўлими**

## ДИКТАТУРА РЕЖИМИНИНГ РАҚИБИГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНАДИГАН УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

Икки тоифа мавжуд. Ҳар икки тоифа ўзини ҳақ деб ўйлайди. Аммо уларнинг ичида, шубҳасиз, кимдир ҳақиқатан ҳам ҳақ бўлади, яна кимдир ноҳақ бўлади, табиий.

Самимияти қалбида бўлган, ҳаракатларидан фақат халқнинг манфаатини кўзлаган кишиларнинг сафлари кўпайсин! Биз ўзимизни мана шу сафдамиз деб биламиз, Оллоҳ бизни бу сафдан чиқармасин.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг фаолияти Каримов режимини қўрқувга солишини Сиз яхши тушунасиз.

Чунки мустабид режим мусичанинг уясидан ҳам омонатроқ – қалтисроқ вазиятда турибди.

Фейсбукда шу кунларда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Мухаммад Солихнинг биографик асари – “Йўлнома” эълон қилина бошланди. Бир неча соат ичида мингдан ошиқ киши ўқибди. Мазкур асар Мухаммад Солих ҳаёт йўли, дунёқараш шаклланиш босқичларини кўрсатиб берадиган, бугунги ёшларнинг, одамларнинг онгини очиш қувватига эга. Буни дўсту душман эътироф этишга мажбур, иншаОллоҳ.

Асар орқали Республикаимизнинг мустақиллика эришиш йўлида кечирган можароларини, сиёсий арбобларнинг фаолиятини Мухаммад Солих тақдир мисолида кўриб, билиб олиш мумкин.

Бу асарни мутолаа қилиб сиз ҳақ ва ноҳаққа холис ёндашишни ўрғанаёсиз.

“Йўлнома” Фейсбукда эълон қилинаётганига сабаб, у Ўзбекистондаги ўқувчилар оммасига тўсиқсиз етиб боради. Асар қисқа парчаларга бўлинган ҳолда эълон қилиняпти. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асарнинг дастлабки парчалариёқ ўқувчилар диққатини дарҳол жалб қилди.

Мухаммад Солихнинг сиёсий саҳифаси фаоллашуви ортидан МХХ жосуслари ҳам фаоллашдилар.

Улар Ҳаракат лидерининг шаъни ва шахсиятига номуносиб жумлаларни ёзиб, тухмат ва бўҳтонларни қалаштира бошладилар.

Шу сабабли, биз Ўзбекистон МХХнинг ўзимизга қарши қўллайдиган бир қатор пасткаш услубларидан сизларни кенгроқ

хабардор қилишни, аниқроқ айтсак, яна бир эслатишни ниёт қилдик.

### 1-усул. Шахсий профил, саҳифа ҳамда сайтларга ҳаккерлик ҳужумлари

Кўпинча Халқ Ҳаракатининг саҳифаларига, ижтимоий тармоқдаги профилларга МХХ томонидан ҳужумлар бўлиб туради, бироқ уларнинг қобилияти ҳозирча бирор профилни бузишга етаётгани йўқ. Турли вируслар тарқатиш, электрон почталарга бузиб киришга ҳам тинимсиз уринадилар.

Бу билан улар ҳаракатнинг фаоллари шахсини аниқлаш, уларни жисман йўқ қилишни мақсад қилишган. Чунки шуни қониқиш билан таъкидлай оламизки, Халқ Ҳаракати аъзоларининг жуда катта қисми Ўзбекистон ичкарасидалар ва улар золим режимга қарши курашишдан, бу шарафли жангдан бир лаҳза ҳам тўхтамаяптилар. Уларнинг шарафли курашлари – одамларга Каримов режими, диктатурасининг асл башарасини кўрсатиб беришдан иборатдир. ИншаОллоҳ, МХХ ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Ҳаракат аъзоларини топа олмайди, зотан, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Мўмин киши ўзини икки марта чаёнга чақтирмас”.

Бизларни етарлича чаёнлар қақди, Оллоҳ ақл ва фаҳм берса, Ўзи бизни қўрса, иккинчи марта чаён қақа олмайди, иншаОллоҳ.

### 2-усул. Жосус йўллаш

Бу ҳам жуда оммабоп усул. Жосуслар ҳам бегона эмас – атрофимизда юрган одамлар. Уларни жосусликка, хоинликка ундайдиган нарса моддий истак ва уларнинг ичларига яшириниб олган англаб бўлмайдиган қора бир ҳиссиётдир.

Жосуслар хорижда ва Ўзбекистоннинг ичида. Хорижга чиққан жосуслар бизнесмен, талаба, тадқиқотчи қиёфасида бўлиши мумкин. Улар ўзларини жабрдийда кўрсатиб Ҳаракат саҳифага кириб, сирларни МХХга етказиб бериш билан шуғулланишади. Жосусларнинг иккинчи тури – мамлакат ичида. Улар жосус ҳам эмас, балки бир “қулоқ”дир. Яъни одамлар ичига кириб, улардан ким Каримов сиёсатига қарши бўлса, аниқлаб МХХга етказишдир.

Шунинг натижасида, бугун МХХ оморларида темир сандиқларда ҳукумат сиёсатидан қарши бўлган фуқароларнинг рўйхатлари жамланган папкалар мавжуд. Бу папкаларда гумондорнинг ҳар бир ҳаракати ҳақидаги маълумот йиғилади. Бунда гумондорнинг атрофидаги энг яқин одамлари хизмат қилишади.

Ҳукуматга қарши деб шубҳа қилинган одамнинг қаерга боргани, ким билан гаплашгани, нима сотиб олгани, тўй, маърака ўтказгани, қанча пул сарфлагани, керак бўлса, хотини билан қачон қўшилгани каби маълумотлар тўплаб борилади. “Нарушение”лар кўпайган сари гумондорнинг устида қора булутлар қуоқлашади ва бир куни келиб МХХ бу “халқ душмани” ишлаётган идора бошқисини чақиради ва уни ишдан аёвсиз ҳайдаш амрини беради. Шу тариқа ҳукуматга қарши деб гумонланган одам фаолиятдан четлатилади, уни қўрқувга солиш иши олиб борилади. Агар ҳукуматга қарши, ўзбошимча деб шубҳа қилинган одам каттароқ раҳбар, одамлар орасида обрўси бор шахс бўлса, янада яхши.

Чунки бу шахснинг синдирилиши, шубҳасиз, бошқаларни “сергак торттиради”, ҳукуматдан, МХХнинг қонхўр машинасидан янада кўпроқ, янада яхшироқ кўрқишга тушади.

Мабодо бирор шахс кескин ҳаракат қилувчи рақиб – Ўзбекистон Халқ Ҳаракати аъзоси ёки унга алоқадор экани маълум бўлиб қолса, шубҳасиз, бу шахс кечиктирилмай йўқ қилинади.

Бу нимани билдиради?

Бу Ўзбекистондаги бугунги ҳукуматнинг ўта кўрқоқинини, васваса ичида яшашини кўрсатади. Чунки ҳукумат ўзига қарши бўлган биргина одамдан ҳам кўрқади, ҳатто, бу одам ёш гўдак бўлса ҳам кўрқади. Зотан, таги чирик бўлган тўнкани ёш бола ҳам тепиб юмалатиб юбориши мумкин.

Иккинчидан, бу кучли кузатув, хоинлик системаси одамлар ўртасига нифок, нафрат, бўлинишни соляптики, шубҳасиз, бундай шаклда халқ унмайди, ўсмайди, ривожланмайди.

Учинчидан, бу ҳол одамлар

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

уйғониши, бу золим режимга, хоҳ ошкор, хоҳ пинҳон шаклда бўлсин, албатта, курашишлари зарурлигини билдиради. Чунки инсон ҳаётидаги ҳаракатлар махфий ва шахсий бир ишдир. Уни кузатиш ва кишини бу ишлари учун айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

### 3-усул. Ижтимоий тармоқда шаллақилик қилиш усули

МХХга ишлайдиган одамлар ижтимоий тармоқда ўтириб олиб Ҳаракат лидерлари шаънига ҳақоратлар тўқиш билан машғул бўлишади.

Улар ўз бошлиқлари ўргатган услубда фақат ва фақат ҳақорат билан шуғулланишади. Тинимсиз Каримов режимини мактайти, Халқ Ҳаракати лидерлари, хусусан, Муҳаммад Солихни турли номуносиб сўзлар билан беобрў қилишни севишади.

Биз уларга қарата айтмоқчимиз:

Сиз ноҳақ эканингизни яхши биласиз. Чунки бу ишни ўз ихтиёрингиз билан эмас, балки топшириқ асосида бажармоқдасиз,

албатта, буни тан олмайсиз. Буйруқ асосида қилинган иш эса ҳеч қачон шахсий ҳисобланмайди. Сиз МХХга хизмат қилиш орқали, халқ озодлиги ва хурлик раҳнамоси бўлган одамларга тухмат қилиш орқали эркаклик шаънингизга доғ туширяпсиз, ўз шарафингизни ерга урмоқдасиз. Эҳтимол, сиз шарафдан ҳам, эркакликдан ҳам воз кечгандирсиз. Ўз жинси ва нимага мансублигини унутган бир махлуқдирсиз.

У ҳолда, сизга шуни айтамик, дунёда, албатта, сизга барҳам берадиган куч бор. Сизга жазо берадиган, сизни ўз ишингиз учун афсуслантирадиган, чин дилдан сизни йиғлашга, фарёд қолишга мажбур қиладиган бир қудрат бор. Буни бугун кўрмаётган бўлсангиз, албатта, эртага кўрасиз. Ўшанда сизни бугун оғзингизни ҳаром қиладиган тухматларингиз ҳам, масаҳара сўзларингиз ҳам, ёлғон қаҳқаҳангиз ҳам қутқара олмайди.

Ушбулар МХХнинг, Каримов режимининг Халқ Ҳаракатига қарши кураш тактикасидир. Чунки бу режим биз билан – Ўзбекистон Халқ Ҳаракати билан

на дипломатик, на интеллектуал баҳсга чиқа олади.

Чунки унинг даражаси маълум. Агар Каримов диктатураси ва унинг тарафдорлари биз билан ошкора баҳсга, дипломатик ва интеллектуал курашга чиқишса, шубҳасиз, енгилдилар. Чунки қилган жиноятлар ўша баҳсда фош этилади ва улар қочгани жой тополмай қоладилар.

Биз, айниқса, Фейсбукда қарши айтилаётган тухматларга ўз вақтида ўринли жавоб бериш билан биргаликда ўз шарафамизни сақлаймиз, ўзимизни уларга қўшилиб ерга урмаймиз. Чунки енгилса ҳам, отдан тушса ҳам эгардан тушмай шаллақилик қилиш бизга ўзини “рақиб” деб ўйлайдиган МХХ агентларининг қон-қонига сингиб кетган.

Холис ва фаросатли одам эса, албатта, мавжуд вазиятни билмасдан туриб кишиларни ҳақорат қилмайди, ошкора мазахга ўтмайди ва ҳар бир фактни чуқур ўрганади. Шу мезоннинг ўзи холис кишиларни ва МХХ “қулоқ”ларини аниқлаб олишимизга ёрдам беради.

**Абдуллоҳ Нусрат**



## Ошинг ҳалол бўлса...

Кимни алдаяпмиз?

Эрталаб Тошкент халқа йўлининг Бобо дехқону, Оқ тепа, Сабзавоту, Уч қаҳрамон атрофларида форма кийганларнинг кўпайиб кетганини кўриб, юрагим орқамга тортиб кетди. Ҳаммадан ҳам маҳалла оқсоқоллари, ҳокимият мутасаддилари ҳам улар орасида

пайдолиги... одамни талвасага соларди.

Ҳайрият, тинчлик экан. Юртимиз раҳбарлари шу йўлдан ўтиши кутиладигани учун, кўчаларни тозалаб, турли дўконча-ю, гулчилар, пистачилар, тандирчи, тахта каравотчи, сувчи, айрончи... Хуллас, кўчада тирикчилик

қиладиганларни бир пас кўздан йўқолиб туриши, лаш лушларини йиғиштириб, атрофни гулдек қилиб қўйилиши учун экан бу саъй ҳаракатлар!

Чикинди ташувчи машиналар ҳам пайдо, эски деворлар оқланиб, йўллар равонлаштириллар эди! Беихтиёр ўйлаб қоламан. Йўлда кетатуриб «Инсон озодалик учун!» деган ёзувга кўзим тушганди. Тавба, аслида «Озодалик инсон учун эмасми?» деб асабийлашгандим. Бугун айнан шу ҳақиқатни англадим. Топса тебранмас, вазифасини удаламас кимсалар учун катталарнинг келиб кетиши, тазийқи, дўқ пўписаси керак эканда! Тавба!

Шу чоп-чоплар, бўёқ ва дарпардалар топ-топлар сабаб, ақлли одамлар юрт оталарининг нияти яхши эканлигини англаб олади! Ҳамма иллат ўзимизда! Айтинг-айтинг, юртимиз дарғалари узок ва тетик, бардам яшасинлару, дунёвий ишлардан ортиб, Шаҳар-кишлоқлардан ўтиб туришсин! Шундагина ҳамма ўз вазифасини бажарадиганга ўхшайди.. Уят эй!

**Умида Абдуазим**  
Манба: Facebook.com



## Собиқ бош прокурорнинг содиқ одамлари лавозимидан бўшатирилган

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Тошкент шаҳри ва вилояти прокуратура тизимларида кадрлар алмашинуви давом этмоқда. Ўтган ойда Тошкент шаҳар прокурори лавозимига Мираълам Мирзаев тайинланиши ортидан пойтахтнинг Яккасарой ва Бектемир туманлари ҳамда Тошкент вилояти Янги йўл тумани прокурорлари лавозимларидан четлатилгани айтилмоқда. Озодлик манбаларига кўра, ишдан олинганларнинг учаласи ҳам собиқ бош прокурор Рашид Қодировнинг одамлари бўлган. Қодиров ўтган йилнинг апрелида ишдан олинishi ортидан мамлакат прокуратура тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Тошкент шаҳар Яккасарой ва Бектемир туманлари прокурорлари Абдулла Қодиров ва Бахтиёр Абдувоҳидов шу ҳафта бошроғида ишдан четлатилгани айтилмоқда. Манбанинг айтишича, улар қутилмаганда ҳеч бир тушунтиришсиз лавозимларидан бўшатирилган. Улар билан бир вақтнинг ўзида Тошкент вилояти Янги йўл туман прокурори Хусан Аҳмедов ҳам ишидан олинди, дейди манба.

“Уларнинг ишдан олинishi сабабларини ҳеч ким билмайди. Ўзлари учун ҳам қутилмаган бўлди. Ҳаммасини чақириб, аризаларингни ёз, деб айтишган. Улар ҳам индамасдан ёзиб беришган. Ҳозир биттасига иш беришди. Иккитаси ишсиз, заҳирада турибди”, дейди манба.

Яна биар бошқа манба ҳам учта прокурор ишдан четлатилганини тасдиқлади. Бу манбанинг айтишича, ишдан олинган прокурорларнинг учаласи ўтган йили лавозимидан четлатилган собиқ бош прокурор Рашид Қодировнинг одамлари бўлган.

“Ҳаммаси Рашид Қодировнинг одамлари эди. Қодиров бош прокурорликдан кетганидан кейин жиддий ўзгаришлар бўлаётганини биласиз. Секин аста у қўйган одамларни раҳбар лавозимлардан олишяпти. Ўтган ойда шаҳар прокуратурасига тайинланган Мираълам Мирзаев ҳозир ўзининг одамларини қўймоқда. Яккасаройда прокурор вазифасини бажараётган Улуғбек Тошев ва Бектемирга вақтинча прокурор бўлган Санжар Солиҳовнинг иккаласи Мирзаевнинг одамлари”, дейди

манба.

Унинг яна айтишича, Тошкент вилояти Янги йўл тумани прокурори вазифасини вақтинча бажаришга Хусанхўжа Пўлатхўжаев тайинланган. Туман собиқ прокурори вилоят прокуратурасининг жиноят ишлари бўйича суд терговда прокурор ваколатини таъминлаш бўлимига ўтказилган.

“Хусан Аҳмедов туман прокурорлигидан вилоят прокуратурасининг 12-бўлимига ўтказилди. Бу унинг мақоми жиддий тарзда пасайганини англатади. Вилоятдаги энг йирик туман прокурори бўлган одам вилоятда судларда прокурор ваколатини таъминлаш билан шуғулланади энди. Яккасаройнинг собиқ прокурори Абдулла Қодировни ҳам шаҳар прокуратурасидаги назорат бўлимларидан бирига ўтказишлари мумкин, яъни унинг ҳам мақоми анча пасайтирилиши айтилмоқда. Лекин Қодиров ҳозирча таътилга чиқариб юборилди. Бектемирнинг собиқ прокурори Бахтиёр Абдувоҳидовнинг тақдири нима бўлиши ҳозирча номаълум”, дейди манба.

Март ойида Тошкент шаҳар прокурори Мирзоҳид Обидов эгаллаб турган лавозимидан олиниб, пойтахт ҳокими муовини вазифасига ўтказилгани тўғрисида хабар қилинган эди.

Шаҳар прокурори лавозимига эса Ўзбекистон прокуратура тизимидаги энг нуфузли фигуралардан бири ҳисобланган Мираълам Мирзаев тайинланган эди. Мираълам Мирзаев Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовнинг хотини тарафидан жияни бўлади.

2015 йилнинг 20 апрель куни Республика Бош прокурори лавозимини узоқ вақт эгаллаб келган Рашид Қодиров лавозимидан олинганидан кейин прокуратура тизимидаги унга содиқ шахслар раҳбар лавозимларидан олингани кузатилди. Қодировнинг одамлари экани айтилаётган Яккасарой, Бектемир ва Янги йўл туманлари прокурорларининг лавозимларидан олинishi, собиқ бош прокурор оиласи билан Латвияда яшаётгани тўғрисида хабарлар пайдо бўлган вақтга тўғри келмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими



## Эрдўғон: Менинг диним сунний ёки шиа эмас, исломдир!

Истанбулда 14-15 апрел кунлари давомида бўлиб ўтадиган Ислом ҳамдўстлиги Ташкилотининг (ИХТ) 13 саммити ўз ишини бошлади. Тадбирда 56 мамлакат вакиллари қатнашмоқда, шулардан 33 таси давлатни президенти ва бош вазирларидир.

Саммит очилишида Туркия давлат раҳбари Тойиб Эрдўғон сўзлар экан, бутун дунё мусулмонлари ҳал қилиши лозим бўлган муҳим масала, бу ички низоларни бартараф қилишга эътибор қаратиш эканлигини таъкидлади. “Ҳар доим таъкидлаганимдек, менинг диним сунний ҳам эмас, шиа ҳам эмас, менинг диним исломдир! Мен барча 1 миллиард 700 миллион қардошларим каби фақатгина бир мусулмонман. Бошқа барча нарсалар эътиқодим ва сифатимдан ташқаридадир.”

Истанбулдаги ушбу саммит “Адолат ва тинчлик йўлида бирлик ва ҳамжихатлик” шиори остида бўлиб ўтмоқда. Саммит арафасида Туркия ва Қозоғистон президентлари ҳамкорликдаги декларацияда ИХТ давлатларини исломий муросани қўллаб-қувватлашни ва унга яқин йиллар мобайнида мусулмонлар учун янги сиёсий платформа сифатида қарашга чақирди.

ИХТ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ислом ҳамжихатлигини таъминлаш учун 1969 йилнинг сентябр ойида ташкил қилинган. 2011 йилга қадар ташкилот Ислом конференцияси Ташкилоти номи остида фаолият юритган. ИХТ 57 аъзо мамлакатдан иборат.

ЎХХ хабарлар бўлими

Зарнигор  
Ўзбекистон  
Президенти хузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси раиси Артиқова Светлана Баймирзаевнага биргина саволим бор: САВОДСИЗ ҚОЗИЛАРНИ КИМ ҚАНЧА ПОРА ЭВАЗИГА АМАЛ КУРСИСИГА ҚЎЙГАН? КУРСАВОД СУДЬЯЛАРИНГИЗГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ТАҚДИРИНИ ИШОНИБ ТОПШИРИБ БУЛАДИМИ?

**Ўзбекистон Республикаси  
Президентига**

шахслар билан менинг хусусий мулким бўлган хонадонга ҳеч бир огоҳлантиришларсиз, рухсатсиз бостириб кириб, қайнонам М. Эшонқуловага судлар томонидан солинган жарималарни ундириш истагида менинг қаршиликларим ва тушунтиришларимга қарамасдан менга ва рафиқамга тегишли бўлган уй жиҳозлари ва орг.техникаларни мусодара қилиб кетди. Мусодара қилиш чоғида қайнонам М. Эшонқулова менга — Қодирбекка қўнғироқ қилди. Мен ишни ташлаб, уйга етиб келдим. Суд ижрочилари уй ва уйдаги жиҳозлар менга

муддаомизни айтдик: Учтепа туман суд ижрочилари бизнинг хусусий мулкимиз бўлган уйимиздан бизга тегишли бўлган мол-мулкларни биз билан бирга истиқомат қилаётган қайнонамиз — онамиз Малоҳат Эшонқулованинг суд томонидан солинган жарималарини қоплаш мақсадида шу йилнинг 30 март куни ноқонуний тарзда мусодара қилиб кетишганди. Мусодара қилинган мазкур мол-мулкларнинг ўзимизга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда мулкларимизни эгаларига — ўзимизга қайтаришларингизни,

## САВОДСИЗ ҚОЗИЛАРНИ КИМ ҚАНЧА ПОРА ЭВАЗИГА АМАЛ КУРСИСИГА ҚЎЙГАН?

**Нухаси: Ўзбекистон  
Республикаси Президенти  
хузуридаги  
Судьяларни танлаш ва  
лавозимларига тавсия этиш  
бўйича  
Олий малака комиссияси  
раиси Артиқова Светлана  
Баймирзаевнага  
Ўзбекистон Республикаси  
Сенатига  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош Вазирига  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорига  
Ўзбекистон Республикаси  
МХХ раисига  
Алимбеков Қодирбек  
Баҳодирбекович  
Алимбекова Зарнигор  
Авазовналрдан  
Тошкент шаҳри, Учтепа  
тумани, Чилонзор, 23-мавзе,  
16-уй, 39-хонадонда яшовчи  
Моб. тел: +99893 5701747**

### ШИКОЯТ АРИЗА

(Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар, Учтепа  
туманлараро суди судьяси  
Мирзаева Ирода Тахировнанинг  
судьялик лавозимига  
номуносиблиги хусусида)

Биз, эр-хотин Алимбековлар юқорида кўрсатилган манзилда яшаймиз. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор, 23-мавзе, 16-уй, 39-хонадон қонунан менинг, Алимбеков Қодирбек Баҳодирбековичнинг хусусий мулким ҳисобланади. Табиийки, унинг ичидаги уй жиҳозлари ҳам. Қайнонамиз — онамиз Эшонқулова Малоҳат Худжамовна биз билан бирга истиқомат қилади.

Бироқ, 2016 йилнинг 30 март куни Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижрочиси (кейинчалик шахси аниқланишича) Санжар Абдувалиев битта милиция формасидаги участка нозир ва 8 нафар фуқаро кийимидаги, жами 10 нафар

тегишли эканлигини билган ҳолда, далолатнома тузиб, олиб кетишди ва менга “Жиҳозлар ва орг. техникаларни ўзингизга тегишли эканлиги хусусидаги ҳужжатларни олиб, бу мулкларни рўйхатдан чиқаришларини сўраб, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига мурожаат қилишингиз мумкин дея тушунтириш бериб кетишди.

Биз эр-хотин — Зарнигор ва Қодирбек Алимбековлар Учтепа туман суд ижрочилари томонидан бизга тегишли бўлган хусусий мулкимиз — уйимиздан ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилган мол-мулкларни рўйхатдан чиқаришларини ва қайтариб беришларини сўраб Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро суди раиси Файзиев Баҳром Маҳмудович номига даъво аризаси ёздик ва 2016 йилнинг 8 апрель куни Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро суди биносининг девонхонасига учрашганимизда, девонхона ходималари “Бугун даъво аризалар бўйича қабул 202-хонада бўлмоқда. Қабул судья Ирода Тахировнанинг навбатчилигида. И. Мирзаевага учрашинг” дейишди.

Биз — эр-хотин ва қайнонам М. Эшонқулова билан биргаликда даъво аризамизни топшириш мақсадида 202 — хонада навбатда турдик. Навбат келганида биз судья Мирзаева Ирода Тахировнанинг қабулига даъво ариза топшириш мақсадида кирганимизда, судья И. Мирзаева ўзининг ўта саводсизлиги билан бизнинг ҳафсаламизни ниҳоятда пир қилди.

Гап шундаки, судья Ирода Маҳмудовна бизнинг Даъво аризамизга термулиб турди-да ҳеч нарсани фаҳмламагач, бизга қараб, “Гап нима ҳақида ўзи? Даъво ариза нима хусусида?” деб сўради.

Биз — эр-хотин судьяга

рўйхатдан чиқаришларингизни сўраб даъво ариза ёзиб келгандик” дея судья Мирзаевага тушунтириш бердик.

Бизни ҳафсаласизлик билан тинглаётган судья бургут тумшук мисол тирноқларига термулганча, энсасини қотирди-да, деди: “Эшонқуловага жарима биз томонимиздан, фуқаролик суди томонидан солинган эканми? Фуқаролик суди Эшонқуловага жарима жазоси тайинлаш хусусида қарор чиқарганми?”

“Йўқ, жарималар Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек, Яккасарой ва Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳар суди томонидан солинган турли муддатларда солинган. Ижро ҳаракатлари эса қарздор Эшонқулованинг яшаш манзилида — бизнинг хусусий мулкимизда, Учтепа туманига қарашли юқорида кўрсатилган манзилда амалга оширилмоқда. У боис биз манзил бўйича мурожаат қилмоқдамиз” дея жавоб қилдик судья И. Мирзаевага.

“Мана, қарздор Эшонқуловага жарималар Жиноят ишлар бўйича судлар томонидан солинганлигини ўз оғизларингиз билан айтиб турибсиз. Демак, сиз фуқаролик судига эмас, мол-мулкларни рўйхатдан чиқариб, қайтаришларини сўраб, Жиноят ишлари бўйича Мирза Улуғбек, ёки Яккасаройга ва ё Қарши шаҳар судига мурожаат қилишларингиз керак бўлади. Сизлардан ноқонуний тарзда мусодара қилинганлиги айтилаётган мол-мулкларни рўйхатдан чиқариш ва эгаларига қайтариш тўғрисида қарор чиқариш фуқаролик судининг ваколатига кирмайди” дея жавоб қилди бизга Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди судьяси Мирзаева Ирода Тахировна.

“Мазкур масала юзасидаги

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

даъво аризамизни қабул қилиш ва кўриб чиқиш сизларнинг ваколатингиз доирасига киради-ку. Наҳотки, биз билган шу оддий ҳақиқатни сиз билмасангиз?" деб ажабланишимизга қарамасдан, судья И. Мирзаева "Президент тугул Худосига борган тақдирларингизда ҳам биз қонун доирасидан четга чиқа олмаймиз. Қонунан бу ишни кўриш бизнинг хизмат доирамизга кирмайди. Боринг, жарима тўғрисида қайси жиноят ишлари бўйича судлар қарор чиқарган бўлса, жиноят ишлари бўйича ўша туман судларига бориб даъво аризаларингизни топширишингиз мумкин" дея бизнинг жавобимизни бериб юборди.

Судья Ирода Тахировнанинг саводсизлигидан ғазабланган қайнонамиз — онамиз Эшонқулова Малоҳат 409-хонада ўтирадиган Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди раиси Файзиев Баҳром Маҳмудовичнинг қабулларига судья Мирзаеванинг ўз хизмат ваколатини билмаслигидан арз қилиб киришга мажбур бўлдилар.

Суд раиси Баҳром Маҳмудович Эшонқуловани эшитгач, "Кўрмайсизми, биз шунақанги саводсиз судьялар билан ишлашга мажбурмиз. Судьянинг саводсизлиги туфайли сиз менинг вақтимни олмоқдасиз. Боринг, аризани судьяга топширинг, мени

айтди денг, қабул қилиб олсин, мен бу ёқдан телефон қилиб қўяман" дея фиғони фалакка кўтарилди.

Бироқ, биз даъво аризамизни кўтариб 202-хонага, судья Мирзаева Ирода Тахировнанинг қабулларига келганимизда навбат тирбанд эди. То бизнинг навбатимиз келгунига қадар тушлик вақти бўлди ва натижада биз даъво аризамизни топшира олмасдан, аросатда қолиб кетдик.

Ҳурматли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси раиси ва аъзолари!

Наҳотки туман суди курсисидан ўз ваколати, судьянинг вазифаси нималардан иборат эканлигини билмайдиган, англамайдиган судья Мирзаева Ирода Тахировна каби саводсиз хонимлар ўтирса?

Наҳотки, суд ижрочилар томонидан ғайриқонуний мусодара қилинганлиги айтилаётган мол-мулкларни рўйхатдан чиқариш ва ўз соҳибларига қайтариш борасидаги низоли ишларни кўриб чиқиш манзил бўйича фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманлараро судлар ваколат доирасида ҳал этилишини билмайдиган И. Мирзаева кабиларга Ўзбек халқининг, фуқароларнинг тақдири хусусида муҳим қарорларни қабул қилишдек масъулиятли вазифани ишониб топшириб бўлса?

Фуқаролик ишлари бўйича

Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судия судьяси Мирзаева Ирода Тахировна каби саводсиз судьялар қаердан пайдо бўлишган? Ҳуқуқшунослик институтларида судья Мирзаевалар ўқиганми, ёки уларнинг отасини маблағларими?

Наҳотки, суд тизимини бунингдек чаласавод судьялардан тозалайдиган ҳукумат бошқаруви бўлмаса Ўзбекистонимизда?

Ахир, бунингдек чаласавод судьяни ким аттестациядан ўтказган, ким судья лавозимига тайинлаган, ким тасдиқлаган? Қанча поранинг эвазига? Шу каби ҳақли саволлар туғилиши мумкинми, йўқми? Кооррупциялашган тизимнинг тубанлик ботқоғига ботишининг яққол исботи эмасми бу?!

Токи, суд идораларида ўз хизмат вазифаси нималардан иборат эканлигини билмайдиган Мирзаева Ирода Тахировна каби кўрсаводлар ўтирар экан, Ўзбекистондаги суд тизимининг тамом бўлгани шу эмасми?

#### **ИЛОВА:**

1) Учтепа туман суд ижрочилари томонидан 2016 йилнинг 30 март куни бизнинг ўйимиздан мусодара қилиб кетилган мол-мулкларнинг рўхати — далолатнома нусхаси;

2) Саводсиз судья И. Мирзаева қабул қилишдан бош тортган даъво аризамиз нусхаси.

**Алимбеков Қодирбек**  
**Алимбекова Зарнигор**  
12 апрель, 2016 йил.

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари Тошкентдаги жума кунги музокаралар ортидан минтақа раҳбарларини янги гидроиншоотлар қуришда халқаро меъёрларга амал қилишга чақирганлар. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги шанба куни эълон қилган ташриф якунига оид баённомада таъкидланади.

15 апрель куни Тошкентда учршган Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоевлар Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёлари минтақа халқларининг умумий табиий бойлиги экани ва улардан оқилона фойдаланиш кераклиги, минтақа барқарорлиги ва равнақи шунга боғлиқлигини таъкидлашган.

«Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёнинг барча давлатларини ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, сув захираларидан унумли ва тежамли фойдаланиш йўлида конструктив мулоқотга чақиради», — дейилади музокаралар якуни бўйича эълон қилинган баённомада.

## **Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари учрашувида минтақадаги сув масаласи кўтарилди**

Қирғизистон ва Тожикистоннинг трансчегаравий дарёлар ўзанида йирик гидроиншоотлар қуриш режаси Ўзбекистонни ташвишга солиб келади.

Қирғизистон Россия билан ҳамкорликда Норин дарёси ўзанида бир нечта ГЭС қуришни режаллаган.

Тожикистон ҳам Вахш дарёси ўзанида Роғун ГЭСини қуришда давом этмоқда.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоевлар йирик ГЭСлар ва улкан сув тўғонлари қуришга киришган Тожикистон ва Қирғизистонни Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида жойлашган қўшни мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олишга чақириб келади.

Ўзбекистон томонига кўра, сейсмик хавфли бўлган жойда Қирғизистоннинг Қамбарота сув тўғони 275 метр баландликда, Роғун тўғони эса 335 метр баландликда

қурилаётгани ҳисобга олинса, бу иккала лойиҳа қурилиши бу ерда яшаётган инсонлар ҳаётига таҳдид бўлиши мумкин.

Бироқ Тожикистон ва Қирғизистон улкан ГЭСларнинг қурилиши Ўзбекистонни сувсиз қолдирмайди, дея таъкидлаб келади.

Улар, шунингдек, эҳтимолий зилзила оқибатлари ҳақидаги хавотирларни ҳам инкор қилади.

Марказий Осиё сейсмик фаол минтақа ҳисобланади.

16 апрелга ўтар кечаси Ўзбекистон ва Қирғизистон чегара минтақасида яна зилзила рўй берди.

Ўтган ноябр ойи ўртаси ва жорий декабр ойи бошида Ўзбекистон ва Тожикистонда бир неча марта ер қимирлаганди.

Бу зилзилалар, айниқса, Тожикистон қишлоқ ҳудудларида катта талофотларга сабаб бўлганди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

«Бошқа миллатларга қаралса кўрилури, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур.

50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шарият ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз. Аммо қонун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, қози ва миллий ҳукамомиз ва аҳолимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарар кўрар. Замони собиқда фақат шарият билмоқ кифоя этарди. Энди қонун ва закунни билмоқ ҳам лозимдур.

Шарият илми мадрасаларга, қонун илми Русия дорилфунунларига ўқилур. Дорилфунунга кирмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияга ўкумоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўкуб андан ҳуқуқшунос, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона фақиҳи бўлиб чиқар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда кириб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тойифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашур, мудофаа қилур.

Масалан, давлат думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига ҳаракат қилур. Аммо шундай одам бизда йўқ.

Давлат думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга кириб, бизни мудофаа қиладургон кишимиз йўқ. Бошимиз оғриси духтурга борамиз, аммо



## Миллат эҳтиёжи

дардимизни айтмоқга тил йўқ. Ўзимиздан духтур йўқ.

Иккимиз бир-биримиз ила низо қиламиз. Кетамиз закунчига, сўйламоқга тил йўқ. Орадаги одамлар яна бизга фириб берар, пул берармиз, югурармиз, яна ишлар барбод, охири йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак, плон-лойихаси лозимки, инжинерга муҳтож бўлармиз. Аммо биз ҳануз «муҳандис» исмини билмаймиз.

Қонтур ва расмий дафтар тутиб, касса кўриб тижорат этмоқ лозим. Илм тижорат била тургон бухгалтерлик ҳисоби юритадургон бойларимизга керак, ул ҳам ўзимиздан бир нафар топилмайдур.

Ҳаммоликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча бойваччани биларманки, энг қаттиқ хизматларга гирифтор. Сабаби надур – илмсизлик, холбуки аларни «тўйи»га атоси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз,

фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қиладургон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илми ўкумоғи лозим.

Бизда шохи, адрас, беқасам, алоча... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса

бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур. Валлоҳ, яқин вақтда “дока” бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқорур.

30 сана муқаддам Самарқандни Ёмини маҳалласинда 300 алочабоф ишчи бор эди. Ал-он 30 нафар йўқ 10 сана сўнгра тамоман махв бўлур.

Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валлоҳ, ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмоға ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим.

Валлоҳ, биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур.

Қисқа қилайлик, бошқа миллатларни бойлари фақири ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўкумоғи учун вақф “истипендия”лар таъйин қилур. Бошқа миллат миллиўнерлари мактабилаистипендияси-ла, идора қиладургон газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруложизин (аёллар университети), барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фаҳр қиладур.

Бизникилар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўйи ила ва... ла фаҳр этар. Ҳатто, ўз ўғилларини ўкутмайдургон бойлар бордур.

Бу кетишни охири ямондур, ўкумоқ, ўкутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун.

Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошканда идиний ва замоний ” бир “пансиун” лайли ва нагори 5 мукамал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳуқуқмағ мактабинда 50 бола тайёрлайдур. Ўн йилда булардин... 200 муҳандис, дўхтур, ҳуқуқшунос, муаллим, техник, замона тожири, валлоҳ... чиқар ва бизни замон одамлари каторида кўярлар ва давлат ишига кирарлар. Руслар ила бизни ҳасан имтизожларимизга хизмат қиладурлар.

Ал-он миллатимиз бойлардан шуни куз тутар, халойикни барбод этатургон тўйларни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушунатургон бойлар бизда етушганми?

**Маҳмудхўжа Бехбудий**

«Самарқанд» газетаси 1913 йил  
12 июл.

Манба: [www.facebook.com](http://www.facebook.com)



Ўзбекистон Республикаси телевидениеси, радиоси ва нашрларининг давлат ва аҳоли манфаатларига нодўстона муносабати тўғрисида.

2015 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб яққол кўрина бошлаган, чуқур молиявий иқтисодий инкироздан бугун аҳолимиз янада кўпроқ азият чекмоқда. Хаёт кечириб оддий фуқаролар учун тобора мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон режими амалдорлари эса “инкироз”ни ичларидан тилларига чиқаришга юраклари бетламаяпти. Режим раҳбарлари ўз айблари, хато ва камчиликлари сабабли вужудга келган инкироздан жонлари соғ омон чиқмаслигини аниқ сезмоқдалар. Ўлим ҳақ! Яратганининг изни билан, вақти соати келиб, Азроил уларнинг жонини сўзсиз олади. Амалдорлар амалдан ажраладилар. Ҳукумат бошлиқлари ё ўладилар, ёки бошқарувни бошқа одамларга топширадилар.

Давлат ва аҳоли манфаатлари ҳукумат раҳбарлари ва амалдорлари манфаатларидан юксак ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўз манфаатларини давлат ва аҳоли манфаатларидан устун қўйган режим раҳбарлари ва амалдорлари вақти соати келиб, давлат ва аҳоли манфаатларини оёқ ости қилиб, уларга хиёнат қилганликлари сабабли мағлубиятга учрайдилар ва жавобгарликка тортиладилар.

Давлатимиз ва аҳолимиз фаровонлиги ва тараққиётининг кўзгуси бўлган “тўртинчи ҳокимият” Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва нашрларини инкироз вазиятида давлат ва аҳоли манфаатларига нисбатан нодўстона муносабатда бўлаётганини фаол фуқароларимиз аниқ ва равшан кўриб турибдилар. Бугун Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва нашрлари Ўзбекистондаги жорий режим манфаатларини юз хотира қилиб, давлатимиз ва аҳолимиз муаммоларини жамоатчиликдан яширишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон давлатини узоқ йиллардан бери новиждонан бошқариб келаётган ҳукумат амалдорларини танқид ва фош қилиб, амалдорларни давлатни виждонан бошқариш йўлига даъват қилиш ўрнига Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва нашрлари жамоаси амалдорлардан кўрган манфаатларини оқлаш ҳаракатларини содир этмоқдалар.



## Омонатга хиёнат-14

Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва нашрларининг давлат ва аҳоли манфаатларига нисбатан нодўстона муносабатлари куйидагилардир :

1. Банкирлар, сиёсатчилар ва ҳукумат раҳбарларидан иборат бир гуруҳ одамларни 1895 — 1910 йилларда АҚШ да, сўнгра 1920-1925 йилларда Германияда содир этган қинғир ишларини айнан кўринишида Ўзбекистонда содир этган ҳукумат амалдорларини қонулаштирилган ўғрилик ва қаллоблик сиёсатига эътиборсизликлари масаласида.

2. 5 — 8 миллион кишилик ўзбек меҳнат армиясининг мустақиллик йилларида ватанимиз иқтисодиётига киритган 300 миллиард доллардан зиёд инвестицияларини аҳамияти ва ўрни ҳақида оғиз очмаслик сиёсати масаласида.

3. Ўзбек сўмини мамлакатимизда жамғариш вазифасини бажармаётганлиги, бу вазифани АҚШ доллари бажараётгани сабаби ва оқибатларини жамотчиликдан сир сақланаётганлиги масаласида,

4. Ўзбекистон аҳолиси жамғармаларини долларда сақлаётганликлари учун билиб билмай дунёнинг энг бадавлат давлати АҚШ га, унинг валютаси долларни қувватини оширишга 100 — 200 миллиард доллар қарз бериб тураётганлиги масаласида,

5. Аҳолининг ва аҳоли уюшмаларининг Банкларда сақланган сўмларини хазон бўлишига, ўғирланишига ва камомадига йўлқўйган “Пахтабанк” ва бошқа Банк раҳбарларининг Президент девонидаги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги

химоячиларини фош қилинмаётганлигига бепарволик масаласида,

6. Ҳукуматнинг олий раҳбарларини ва уларнинг яқинларини пул маблағлари ва уларнинг қандай вужудга келганини оммадан яширишлари масаласида,

7. Бош Вазирлар: У.Султонов, Ш.Мирзиёев, Марказий Банк раиси Ф.Муллажонов ва унинг ўринбосари У.Мустафоевлар имзолари ва розиликлари билан Марказий Банк баланснинг кредит ҳисобларидан муомалага чиқарилган “янги” пулларни кимларга ва қандай шарт билан қарзга берганини сир сақлаётганлиги масаласида.

Олтин, доллар, бехисоб даромадларни ва ҳокимиятни кўзлаган, инсониятнинг, инсоний шайтонлар гуруҳи ўзларининг бутун жаҳондан орттирган тажрибаларини махсулларини ёш мустақил Ўзбекистон давлатига экспорт қилишга маваффақ бўлдилар.

Фалакнинг гардиши билан олтин, доллар, бехисоб бойликлар ва ҳокимликни кўзлаган одамлар гуруҳи Ўзбекистонда тезда топила қолди. Одам шайтонлар гуруҳининг қинғир ишлари оқибатида вужудга келган “Буюк депрессия” даврида 5 миллион АҚШ фуқароларини ночорликдан ҳалок бўлганини инсоният ва ўзбек зиёлилари жуда яхши биладилар.

Юқорида таъкидланган қинғир ишларга ўша даврдаги Германия ҳукуматини аралашганлигини билган ва ундан норози бўлган немис халқи дастлаб Гитлери қўллаб қувватлагани ва унга ишонч

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

билдирганини инсоният ҳам, ўзбеклар ҳам тарихдан жуда яхши биладилар. Оқибатда иккинчи жаҳон уруши бошланди ва 60- 70 миллион инсонлар бу урушда халок бўлди.

Тақдир тақозоси билан вужудга келган 2000 — 2015 йиллардаги 5- 8 миллион кишилик ўзбек меҳнат армияси Ўзбекистоннинг янги тарихида жуда муҳим ўринни эгаллади. Улар давлатчилигимизни сақлаб қолиш, аҳолини инсондек яшашида сув ва хаводек зарур ишларни бажардилар. Меҳнат армияси қатнашчиларининг танлаган йўлини нақадар тўғри ва зарур бўлганини бугунги ҳаёт яққол тасдиқламоқда. Урушшароитларига тенглаштирилган ҳаёт учун кураш жабхаларида одамларимиз ўз оила ва яқинларини ҳаётларини пул билан таъминладилар. Уларнинг ҳаётларини тўқ, фаровон ва осуда кечишини таъминладилар. Шахсий замонавий уйлар қурдилар, авто машиналар олдилар, тўйлар қилдилар, чорвачилик ва паррандачиликни ўз маблағлари билан ривожлантирдилар. Республикага кириб келган турли туман чет эт товарларини сотиб олишга валюта бердилар. Ўзбек ҳукуматига қараб қолмасдан ўз валюта жамғармаларига соҳиб бўлдилар. Ўзбекистонга 300 миллиард долларлик пул инвестиция олиб келдилар. Ўзбек сўмини 2010- 2014 йилларда нисбатан барқарор бўлишини таъминлаб бердилар. Энг муҳими сиёсий худбинлик ва коррупция батқоғига ботган ўзбек ҳукуматига ишонмасдан, боғланмасдан ўз ҳаёт йўллариини ўзлари тўғри топа олдилар.

И.Каримов ва унинг режимига ишонч билдириб, у ва унинг режими билан ўз ҳаётларини боғлаган 10 миллионга яқин аҳолимиз бугун қандай йўлни танлаганларини ўзлари жуда яхши сезмоқдалар.

Ўн минглаб одамлар ҳокимлар, прокурорлар, генераллар, зобитлар, банкирлар, иқтисодчилар, тадбиркорлару хизматчилар режим томонидан “пуф сассиққа” чиқарилдилар, камокқа ташландилиар, қувғин қилиндилар. Айблов эса фақат бир томонлама бўлиб қолмоқда. Иккинчи томонда ўзини оқлаш учун деярли ҳеч қандай имконият йўқ.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Бош Вазир Ш.Мирзиёев ўзларига тоъбе амалдорларнинг содир этаётган қинғир ишларини билиб билмасликка олганлари, уларга бепарволиклари сабабли, ўзлари давлат бошқарувидаги коррупцияга аралашиб қолдилар. Давлат ва аҳоли манфаатларига хиёнат қилган амалдорлар, ўзбек сўмини ва товар пул муносабатларини менсимаётган ҳукумат бошқарувчилари ўз шахсий манфаатлари ва ҳокимиятларини сақлаб қолишга интилаётган амалдорлар улар даргоҳидан паноҳ топмоқдалар. Давлат ва ҳукумат амалдорларини давлатга қарши коррупцион ҳаракатларини исботи, далили ва ҳужжати мавжуд. Автосалонларда бугун нархи сўмда аниқ кўрсатилган Матиз автомашиналар мажбуран 5200 АҚШ долларига харидорларга сотилмоқда. Бу баҳодаги автомобил савдосидан долларнинг расмий ва қора бозор курсидаги фарқдан давлат амалдорлари манфаат кўрмоқдалар. Давлат бошқарувидаги коррупция давлатчилигимиз, миллий

хавфсизлигимиз ва аҳолимизнинг тинчлигига жиддий хавф солаётган биринчи рақамли душманга айланди. Давлатимизнинг энг юқори органи Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик Палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари ўта хатарли инкироз ҳақида нега сукут сақламоқдалар? Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва нашрлари Ўзбекистон давлатининг дўстими, ё душманими? Зийрак зехнли ва фаҳм фаросатли ўзбеклар И.Каримов режимининг иккита ишончли тоғлари борлигини жуда яхши биладилар. Улар: 1. Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва бошқа оммавий ахборот воситалари, 2. Ҳукумат хавфсизлигини таъминловчи куч ишлатар тизимлари: а) Ички ишлар вазирлиги хизматчилари, б) Миллий хавфсизлик хизматчилари, в) Мудофаа вазирлигининг генерал, зобит ва аскарлардан иборат жангчилар.

Фаол фуқароларимиз телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари нашрларида давлат ва аҳоли манфаатларини устивор кўювчи одамларни топишни урдасидан чиқадилар албатта.

Ўзбек халқининг ажралмас ва таркибий қисми бўлган ИИБ ва МХХ ходим ва хизматчилари, шунингдек ҳарбий қўшинларимизнинг генераллар, зобитлар ва жангчилари “буюк инкироз” дан азият чекаётган аҳолимизнинг ночор қисми вакилларини қисматини тўғри тушунадилар деб умид қиламиз.

**(давоми бор)**

Мустақил иқтисодчи:

**Ж.Шосалимов**

Ҳуқуқ химоячиси:

**Ш.Рустамов**

Россиянинг ушбу ҳаракати янги бир катта амалиётдан дарак бермоқда. Руслар чегарада ҳарбий қўшинларини тўплай бошлади.

Украина Мудофаа вазирлигининг разведка хизмати вакили Вадим Скибицкий Россиянинг Украина билан чегара ҳудудида аскарлари



разведка хизмати вакили Россиянинг режаларини амалга ошириш учун босиб олган Қримда ва чегара ҳудудларида аввал тарқатилган қўшинларни алмаштирганини ва янги аскарларни жойлаштираётганини айтган.

Шу билан биргаликда Украина

## Россия чегара ҳудудида аскарларини тўпламоқда

сонини орттиришини давом этишини Украинанинг миллий хавфсизлигига таҳдид дея таъкидлади.

Ҳорижий агентликларнинг

хабар беришича Скибицкий, “Россия Украинага қарши кенг миқёсли қуроли хужум уюштиришга ҳозирлик кўрмоқда” дея баён қилган. Шу вақтда

қўшинлари разведка хизмати фақатгина охириги ҳафта ичида Минск битимининг 62 марта бузилганлигини таъкидлади.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Freedom House халқаро ташкилотининг 12 апрель куни эълон қилинган янги ҳисоботида кўра Ўзбекистонда юзага келган иқтисодий муаммолар “илдиз отган диктатура”га таҳдид туғдира бошлаган ва бунинг ортидан ҳукумат “фуқаролар устидан назоратни кучайтириш”га уриниши таъкидланади. Ҳисоботида айтилишича, ўзбек меҳнат муҳожирларидан келаётган пул жўнатмалари миқдори 2015 йилда 58 фоизга камайган.

## Иқтисодий муаммолар “илдиз отган диктатура”га таҳдид туғдира бошлади

Freedom House янги ҳисоботида собиқ Совет иттифоқи, Болконлар ва Марказий Европадаги 29 давлат ҳақида маълумот берилган. Ҳисоботга кўра, нефть нархининг кескин тушиб кетиши ортидан постосвет давлатлари “иқтисоди чала ўлик ҳолат”га келиб қолган.

Ҳисоботда кўрсатилишича, 2015 йилда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ватанларига пул жўнатмалари 58 фоизга камайган ва бу тенденция 2016 йилда ҳам давом этади. Ўзбекистонда валюта айланмаси ҳукумат монополиясида бўлгани ортидан, бугунги кунда юзага келган вазиятда кўплаб корхоналар хонавайрон бўлиши мумкин.

Freedom House расмийси Нате Шенкан юзага келган иқтисодий муаммолар “илдиз отган диктатура”га таҳдид туғдира бошлагани, бунинг ортидан ҳукумат “фуқаролар устидан назоратни кучайтириш”га уринишини таъкидлайди:

“Минтақа лидерлари нималар бўлаётганини аниқ билиб туришибди. Улар иқтисодий кризис юзага келганини ҳис қилган ҳолда, норозилик кайфиятларини бостириш учун ўз назоратларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда, — деди Шенкан.

Унинг айтишича, юзага келган вазиятда Ўзбекистон каби авторитар бошқарувдаги давлатлар ҳукуматлари иқтисодни шаффофлаштириши ва ислохотлар ўтказиши зарур. Акс ҳолда иқтисодий таназзулнинг салбий оқибатлари бу ҳукуматларни дарз кетказади.

Январь ойида Heritage жамғармаси ва The Wall Street

Journal Ўзбекистонни иқтисодий эркинлик бўйича 178 давлат орасидан 160-ўринга қўйган эди.

Freedom House ҳисоботида ўзбекистонлик ҳуқуқ фаоллари мунтазам босим остида яшашга мажбур бўлаётганлари айтилади. Ҳисоботда Елена Урлаева, Шухрат Рустамов, Ўктам Пардаев, Аликул Саримсоқов, Малохат Эшонкулова, Дмитрий Тихонов каби ҳуқуқ фаоллари ўтган йилда ҳукумат томонидан энг кўп босимга олинган, айрим ҳолатларда калтаклангани ва руҳий

касалликлар шифохоналарига мажбуран ётқизилганлари қайд этилган.

Ҳуқуқ фаоли Елена Урлаевага кўра, халқаро ҳамжамиятнинг бу каби ҳисоботларига қарамай, Ўзбекистонда ўзгача фикрловчилар ва ҳуқуқ фаолларига нисбатан ҳукуматнинг муносабати йиллардан бери ўзгармай қолмоқда.

“Мен Аъзамжон Фармонов жуда оғир аҳволда эканини айтиб ўтмоқчиман. У сиёсий маҳбуслар сақланадиган жуда мудҳиш Жаслик қамокхонасида сақланмоқда. Ҳуқуқ фаоли Аъзам Турғунов ҳам узоқ йиллардан бери қамокда қолмоқда. Солижон Абдурахмонов яна уч йилдан кейин қамокдан чиқарилиши керак. Бироқ унинг жазо муддати узайтирилишидан кўркиб турибмиз. Ўктам Пардаевга нисбатан жиноят ишининг очилиши, Дмитрий Тихоновнинг ҳуқуқ-тартибот тузилмалари томонидан таъқиб қилиниши ўзбекистонлик ҳуқуқ фаолларига ҳукуматнинг муносабати ўзгармай қолаётганига яна бир далилдир, — деди Елена Урлаева.

Freedom House ҳисоботида Ўзбекистонда сўз эркинлиги мавжуд эмаслиги, пахтазорларда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш давом этаётгани, ҳукумат амалдорларининг эса ўта коррупциялашгани ва коррупциялашиш жараёни давом этаётгани, судлар ҳукуматга қарам экани ва ҳуқуқ-тартибот тузилмаларида маҳбусларга нисбатан қийноқларни қўллаш ҳолатлари ҳали ҳам мавжудлигичам қайд этилган.

ЎХХ хабарлар бўлими

## «Биздан ватанимизни тортиб олиб қўйишди-ку, битта уй нима бўлибди бунингдек кулфат олдида!...»

Тошкент шаҳар, Учтепа туман суд ижрочилари шу йилнинг 30 март куни 10 нафардан иборат тўда бўлиб босқинчиларча мен истиколат қилаётган қизим ва куёвимга тегишли мол-мулкларни ноқонуний тарзда мусодара қилиб кетишгач, Ўзбекистон ҳукумат бошқарувидаги ҳақсизликларга қарши президент девони биноси олдида ўзимга ўт қўйиб қурбон қилиш орқали исён қилиш тўғрисидаги қарорим хусусида баёнот бергандим.

Яхшиямки, дунёда яхши одамлар бор. Яхши одамларнинг қўллови билан қароримдан қайтдим. Менга, ва оиламга маънавий ва моддий жиҳатдан кўмак қўлини чўзган яхшилардан беҳад миннатдорман.

Аммо бугун гап бу ҳақда эмас. Мен “Каримов “қироллиги”нинг кирдикорлари” деган бир асар устида ишляяпман.

Мабодо, асар ёзиш қўлимдан келса, Каримов салтанати ўз фуқароларини қандай қонқақшатиши, таҳқирлари, айбсиз айбдор қилиб Жасликқа элтишлари... барча-барча ёвузликларинини кўрган-кечирганларимни, бу тузумнинг жирканч, мунофиқ қиёфасини тасвирлаб, очиб беришга уринаман...

Мушоҳада қилиб кўрсам, бу тузум Мамадали Маҳмудовдек миллатпарвар адибнинг 17 йиллик умрига зомин бўлди, Мурод Жўраевнинг навқирон 23 йиллик ҳаётини оғулади, Муҳаммад Бекжонни айбсиз айбдорлик гирдобига қаритди, журналист Дилмурод Сайид, Солижон Абдурахмонов, Аъзамжон Фармонов каби ўнлаб мустақил журналист ва ҳуқуқбонларнинг бебаҳо умрини сувга оқизди ва оқизмоқда...

Кўп узоққа бормайлик, яқингинада жиззахлик ҳуқуқбон Ўктам Пардаевни икки ой ноҳақ қамокқа олиб, қийнашди. Ҳуқуқ фаоли Дмитрий Тихоновнинг уйини қулини қўкка совиришди, таникли инсон ҳуқуқлари фаоли Елена Урлаевани мажбурий тарзда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

рухий касалликлар шифохонасига ётқизишди.... Мана-ман деган миллат фидойиларини ўз ватанларидан бадарга этишди.... Бу ҳукуматнинг адолатпарвар одамларга қўллаган зуғуми, ёвузлиги ҳақида санасанг саноғига етмайсан киши....

Танишларимдан бири менга: “Каримовчилар ҳалиям сизни аяшибди. Шунча одамнинг жонига жабр этган, умрини увол қилган бир пайтда, сизнинг биргина молингизга зиён етказишибди.

Ўзгаларнинг ғами, андухи, қайғуси билан ўзингизнинг ташвишларингизни бир тарозига солиб кўрингчи, қай бир палласи тош босиб кетар экан?” деб қолди....

Ҳукуматнинг “тала-тала”лари талотўпида хорижга бадарга этилган Ўзбек муҳолифат лидерига “Эшитишимча, ҳукумат сизнинг ҳам Тошкентдаги уйингизни ноқонуний тарзда тортиб олганмиш?” деб савол берганимда, ундан қандай жавоб келганини биласизми?: “Биздан Ватанимизни тортиб олиб қўйишди-ку, битта уй

нима бўлибди бунингдек кулфат олдида...” деган мазмундаги жавобнинг ўзи менга жуда катта сабоқ бўлди....

Энди ўйлаб кўрсам, бу ғирром тузум ўз фуқароларини қабоб қилиш ишқиди тўрт томондан ўт пурқаётган оловлар тафтидан куймай, жизганак бўлмай, ўлмай, омон қолганимнинг, тирик юрганимнинг ўзи манфур ҳукуматга нисбатан менинг энг улкан ИСЁНИМДИР!

**Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА**  
мустақил журналист ва ҳуқуқбон



## Илмини инсонлар билан саҳийлик ила баҳам кўрган олима...

Мен “Ҳақиқий тиббиёт” китобини аввал орқа муқовасини, кейин сўзбошини, сўнгра эса хотимасини ўқидим.

Йиллар давомида шам ёқиб топмаган қўлланмаимизни топган эдик акам билан биргаликда.

Кейин мундарижадан зулук билан даволаш бўлимини очиб ўқидим. Дарҳол китоб муаллифи билан танишишимиз лозим дедик.

Ва Роббим қисқа вақт ичида Ойдин Солиҳ хоним билан танишишни ва илмидан баҳра олишни насиб этди...

Энди эса уни яхшилик билан эсламасдан, бирон бир тавсиясини бир эҳтиёж соҳибига таклиф қилмасдан бир куним ҳам ўтмайди.

Илмини мислсиз саҳийлик ила баҳам кўрган ва ҳеч бир дунёвий манфаатни кўзламаган, ҳар фурсатни инсонларга ҳақни таблиғ этиш учун имкониятга айлантирган бир лидерни таниш насибаси мен учун катта бахтдир.

Аллоҳдан истагим, Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳамд байроқлари остида, Жаннатда биргаликда бўлишни насиб этсин.

**Узейир Қоя (Üzeyir Kaya)**

## Янос Папантониу: Туркия дунёнинг қолган қисмидан кўрқмайдиган бир мамлакатдир

Швециянинг собиқ Бош вазири Фредрик Райнфельдт, Улудаг Иқтисодий Саммитида МАР-Turkuaz Гуруҳи Директорлар Кенгаши раиси Эркулт Южеўгли бошқариб борган “Янги дунё тартиби ва келажак” номли ййгилишда нутқ сўзлади.

Райнфельдт, Қўшма Қиролликнинг Европа Иттифоқида қолишини ҳам Европа ва ҳамда Англия учун жуда муҳим эканлигини таъкидлади.

Агарда Қўшма Қироллик Европа Иттифоқидан чиқишни авфзал кўрса, катта эҳтимол билан Шотландиянинг ҳам Қўшма Қиролликдан ажралиб чиқиши эҳтимолини таъкидлаган Райнфельдт, шундай деди:

“Бу ҳолда биз жуда мураккаб бир вазиятга дуч келамиз. Қўшма Қироллик Европа Иттифоқидан чиқмоқчи, Шотландия эса Қўшма Қиролликдан ажралмоқчи каби бир вазиятга дуч келишимиз мумкин. Масалан Каталониянинг Испаниядан ажралиши каби вазият билан ҳам дуч келишимиз мумкин. Бу барча ажралишлар аслида Европа Иттифоқининг ҳам парчаланишига олиб келар. Лекин агарда Европа Иттифоқи парчаланса у ҳолда жуда жиддий бир миллатчилик муаммоси билан юзма-юз қоламиз.”

**“Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзолигини қўллаб қувватлайман”**

Юнонистоннинг собиқ Иқтисодиёт ва Молия вазири Янос Папантониу, Юнонистон

Туркиянинг тўлиқ аъзолигига нисбатан жудда жиддий қаршилиқ қилсада, ўзининг Туркия иттифоқининг тўлиқ аъзоси бўлишини қўллаб қувватлашни таъкидлади.

Туркиянинг ислохотларни давом эттириши кераклигини таъкидлаган Папантониу, қуйидагича нутқ қилди:

“Туркиянинг эркин ислохотларини давом этиши, ракобатни, иқтисодни барқарор қўллаб қувватлаши, дунё микёсида кучли бир ўйинчи эканлигини англатади. Дунёнинг қолган қисмидан кўрқмайдиган бир мамлакат. Ёш ва динамик аҳолиси бор. Юқори даражали ёрқин тадбиркорлар соҳибисиз. Геосиёсий жойлашувингизни ҳам ўйлайдиган бўлсангиз глобал иқтисодиётда муваффақиятли бўлишингиз учун барча заруриятни ўша ернинг ўзидан топишингиз мумкин аслида.”

**“Менинг фикримча ривожланиб бораётган бир супер кучсиз”**

Папантоноу, Туркиянинг ривожланаётган, муваффақиятли иқтисодиётга эга эканлигини таъкидлаб, “Аслидаривожланаётган бир супер куч бўлиб бораёйсиз деб ўйлайман”, деди.

**УХХ хабарлар бўлими**

**“ERKIN YURT”**  
интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мухаррир: Нурбек Саломов